



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 26 » июль 2021-у.

№ 02-03/01-3421 « _____ »- _____ 2021-ж.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди.

Қарор лойиҳасининг 2-бандида:

“2. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

ўзларига бириктирилган тураржойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 дан 30 квадрат (етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда 50 квадрат) метргача бўлган 1 ёки 2-хонали квартиралар ажратилади. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватидан ажратилади;” деб кўрсатилган.

Мазкур бандни қуйидаги тахрирда:

2. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

ўзларига бириктирилган тураржойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 дан 30 квадрат метргача бўлган 1 хонали, агарда етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда 50 квадрат метрли 2 хонали квартиралар ажратилади. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватидан ажратилади;” деб баён этилишини таклиф этамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазирининг
биринчи ўринбосари В.В.Б

Қ.Бекбаўлиев

Ижрочи: Р.Танирбергенов
Тел: 61-222-24-29

